

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10/1
(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳақида)

Фурқат тумани

« 27 » июнь 2022 йил

Фурқат тумани Хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси номидан Р.Юсупов биринчи томондан ва бундан бўён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **"Қўқон йўл таъмир"МЧЖ** номидан унинг раҳбари **А.Қурбонов** низоми асосида иш юритувчи бундан бўён «Путратчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1. Шартнома предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан **Истиқлол МФЙ Беш-эчки қишлоғи Ўрикзор кўчаси 0.320 км, Пахтабод қишлоғи Тадбиркор кўчаси 0.350 км Жами: 0.670 км** ички йўллари **жорий таъмирлаш** ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

2. Шартнома баҳоси.

2.1. Шартнома баҳоси **196 487 313.00 (Бир юз тўқсон олти миллион тўрт юз саксон етти минг уч юз ўн уч)** сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб хар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қушиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 2 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиха ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 30 банк иш кунига топширилиши.

5.1.2. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қуриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тўлаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.

5.2.4. Объект бинонинг ичкари қисмида жойлашган бўлса қуриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни қуриқлаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

5.2.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 2 ойга ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.
- 6.2. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк еткази берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига саба бўлади.
- 6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.
- 6.4. Жами томонлардан ўндирилган пеня сўммаси низоли сўмманинг 50% ошмаслиги лозим.
- 6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

7. Форс-мажор ҳолатлари

- 7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдидан кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қушиб ўриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.
- 7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монейлик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.
- 7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

- 8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.
- 8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик судида кўрилишига тегишли бўлади.

9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.
- 9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
Пудратчининг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 3 ойдан кўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда;
- 9.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қурилиш молиялаш имконияти йўқолганда.
- 9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилингандан Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.
- 9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Бошқа шартлар

- 10.1. Объектлар ва унга кирувчи инжинерлик тизимлари жиҳозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан қўзланган ниятда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.
- 10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.
- 10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.

шикас етказган холлари бундан истисно қилинади. Объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.

10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси ақс эттирилади.

10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам кушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишига ҳақли.

10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини ақс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала бўйича хужалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди

10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан бўлса буюртмачи томонидан товон тўланади.

10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сакланади.

10.9. Тарафларнинг хоҳишлари бўйича бошқа шартлар.

10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва “_31_” декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

ҚЎҚОН ЙЎЛ ТАЪМИР МАЪСУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

ФУРҚАТ ТУМАНИ ХОКИМЛИГИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ

Манзил: Ўзбекистон туман, Яйпан шаҳар
А.Навоий кўчаси 23а- уй

Манзил: фуқрат тумани Беш-эчки к-ги

Тел./факс: + 99 890 508-00-08

Тел./факс: 73-54-91-392

х/р: 2020 8000 6046 3838 2001

шх/р: 401722860302277065200110010

Банк номи: Ўзсаноатқурилишбанк,
Қўқон филиали

СТИР: 204 511 194

МФО: 00531

ОКОНХ: _____

СТИР: 300 518 595

Ғазна шх/в: 23402000300100001010

ОКОНХ: 42110

Банкнинг номи: ХККМ марказий банк
Тошкент ш. ББ



МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

Раҳбар:

А.Курбонов

Раҳбар:

Р.Юсупов.



Ҳуқуқшуное хулосаси:

Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади ва ушбу шартнома лойихасини имзоласа бўлади.

Ҳуқуқшунос:



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN ADLIYA BO‘LIMI
YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

151700, Furqat tumani, Mevazor ko‘chasi, 20-uy,
Tel.:(99873) 549 12 47, el. pochta: furqat-t-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA

28.06.2022 yil

Furqat tumani

1.Loyihaning turi

Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “Qo‘qon yo‘l ta‘mir” MCHJ o‘rtasidagi 196 487 313 (bir yuz to‘qson olti million to‘rt yuz sakson yetti ming uch yuz o‘n uch) so‘m miqdoridagi pudrat shartnomasi.

3.Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 27 iyun kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 27 iyun kuni markazga taqdim qilingan.

4.Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e‘tirozlar:

Furqat tumani Obodonlashtirish boshqarmasi va “Qo‘qon yo‘l ta‘mir” MCHJ o‘rtasidagi 10/1-sonli pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi mazmunan o‘rganib chiqildi.

O‘rganish natijalari bo‘yicha ushbu shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolik Kodeksi” va “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy ba‘zasi to‘g‘risida”gi qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilganligi ma‘lum bo‘ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra:

XULOSA

Furqat tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan taqdim qilingan 10/1-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq.

Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti



U.Xamidov

“ 25 ” июнь 2022 йил

Фурқат тумани “Очиқ портали” орқали Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Истиклол МФЙ Беш-эчки қишлоғи Ўрикзор кўчаси 0.320 км, Пахтаобод қишлоғи Тадбиркор кўчаси 0.350 км жами 0.670 км кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил “Очиқ портал” маблағларидан (ЦХР 401722860302387065200110010) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

Б А Ё Н И № 1

Қатнашдилар:

Комиссия раиси ---- Р.Юсупов. Фурқат тумани Ободонлаштириш раҳбари,
Комиссия аъзолари ---- Н.Хайдаров: Бош муҳандис,
Р.Турсунов техник муҳандиси,
Ж.Акбаров: бош ҳисобчиси,
Ш.Абдуллаев: товар моддий қийматликлар бўйича
ҳисобчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли “Давлат харидлари тўғрисидаги” ги қонунига мувофиқ 2022 йил 13 июнь куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 104963 рақамли Фурқат тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Истиклол МФЙ ички йўллари жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 13.06.2022 йилдан 20.06.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган.

Ушбу эълон бўйича 20.06.2022 йилгача 3 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди. Жумладан:

" КУКОН ЙУЛТАЪМИР " МЧЖ,

"QOQON ASFALTMANSULOTLARI" mas`uliyaticheklangan jamiyati


“DANG`ARA TYO`LLARDANFOY. UK” МЧЖ лар томонидан таклифлар келиб тушган. Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 22.06.2022 йил куни баҳоланган ва 2 иш куни мобайнида муҳокамага қўйилган. 25.06.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Истиклол МФЙ ички йўллари жорий таъмирлаш ишлари бўйича қолиб деб топилган " КУКОН ЙУЛТАЪМИР " МЧЖ билан шартнома имзоланди.


Бош муҳандис:


Техник муҳандиси,


Товар моддий қийматликлар бўйича ҳисобчи

Бош ҳисобчи:

 Н.Хайдаров

 Р.Турсунов

 Ш.Абдуллаев

 Ж.Акбаров



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ АЙРИМ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

ЛИЦЕНЗИЯ

№ 000527

Берилган: “ОО’ҚОН YO’L TA’MIR” МСНД
(ташвиқотчи-ҳуқуқий шакли кўрсатилган юридик шахснинг фирма тими)

Лицензия берилган сана (Лицензиялар реестрига киритилган сана):

“ 10 ” март 20 21 й.,
(кун, ой (сўз билан), йил)

Лицензия амал қилиш муддати (Лицензиялар реестрига киритилган сана):

“ 10 ” март 20 26 й.,
(кун, ой (сўз билан), йил)

Лицензия рақами (Лицензиялар реестридаги ёзув рақами):

№ КВ-000527

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 300 518 595

Жойлашган манзили (почта манзили): Фарғона вилояти ,

Яйпақ тумани, Алишер Навоий кўчаси 23 А-ўй

Амалга ошириладиган фаолият турлари (қисмлари): Кўприклар ва тоннелларни

қуриш ва таъмирлаш фаолияти.

_____ билан шугулланишга рухсат этади.

Ваколатли шахс

Б.И. Закиров

(ИСМИ, ОТАСИНING ИСМИ, ФАМИЛИЯСИ)

(ИМЗО)


Лицензия амал қилиш муддати: _____ й. _____ гача узайтирилди.

М.У.

Ваколатли шахс

(ИСМИ, ОТАСИНING ИСМИ, ФАМИЛИЯСИ)

(ИМЗО)





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektidan yagona davlat ro'yxatiga

"OO'QON YO'L TA'MIR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tasviriylig-hududiy shaxs ko'rsatgan holdagi to'liq nomi)

"OO'QON YO'L TA'MIR" MCHJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24 07 2007

464

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana oy kuni bilan) yil)

Sohiq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

300518595

Tashkiliy-huquqiy shakli

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, Yaypan, TURKISTON MFY A. NAVOIY 29 A UY.

Guvohnoma

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

tomondan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

